

ШАРТНОМА

Фаргона шаҳри

83 - сонли

“6” 01 2022 йил

Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардияси Фаргона вилояти Кўриқлаш бошқармаси номидан Низом асосида фаолият юритувчи Бошқарма бошлиғи Б.И.Мирзакамолов (кейинги ўринларда “Ижрочи” деб юритилади), бир томондан Низом асосида фаолият юритувчи Фаргона вилояти РИО ВА РИАТМ ФВФ директори Б.К.Примкулов (кейинги ўринларда “Буюртмачи” деб юритилади), иккинчи томондан, биргалиқда “Томонлар” деб юритилади, мазкур Шартномани куйидагилар ҳакида туздилар:

1-боб. Шартноманинг предмети

1.“Ижрочи” Миллий гвардия кўриқлаш хизмати техник кўриқлаш марказидан (кейинги ўринларда ТҚМ деб юритилади) фойдаланган ҳолда Буюртмачининг мулкини кўриқлаш хизматини кўрсатиш мажбуриятини, буюртмачи эса мазкур шартнома шартларига асосан ўз вақтида кўрсатилган хизмат учун тўловларни амалга ошириш мажбуриятини олади.

2-боб. Умумий шартлар

2.1. “Буюртмачи” Фаргона шаҳар Гулистан кўчаси 11-йуда жойлашган Фаргона вилояти РИО ВА РИАТМ ФВФ диспансери маъмурли биноси ичida жойлашган психотрон моддалар сақлаш хонасини дам олиш ва байрам кунларидан ташқари хар куни соат 17:00 дан соат 08:00 гача 15 (ўн беш) соатта байрам ва дам олиш кунлари 24 (йигирма тўрт) соатта, шунингдек, назорат ўтказиш пунктига ўрнатилган 1 (бир) дона ташвиш тутмаси оркали “Объект” ни дам олиш ва байрам кунларидан ташқари хар куни соат 08:00 дан 19:00 гача 11 (ўн бир) соатта, шунингдек, РИО ВА РИАТМ ФВФ биносида жойлашган UJP PRAHAning Terabalt 80/ACS гамматерапевтик аппаратига ўрнатилган Со 60 радионуклид манбааси биносини дам олиш кунисиз хар куни соат 22:00 дан 06:00 гача 8(саккиз) соатта, Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардияси Фаргона вилояти Кўриқлаш бошқармаси Фаргона шаҳар кўриқлаш бўлими 3-сонли техник кўриқлаш марказига кўриқлаш учун топширади. Ижрочи кўриқлаш учун қабул қиласи ҳамда 6-дона шартли белгига техник хизмат кўрсатади.

2.2. Объектнинг техник мустаҳкамлиги тўғрисидаги, кўриқлаш ва ёнгиндан огохлантирувчи техник (КЁОС) воситалари билан жиҳозланган жойлар, код билан махкамланадиган мосламалар ва бошқа маълумотлар мазкур Шартноманинг ажралмас қисми ҳисобланган илова ва текширув далолатномасида кўрсатилади.

2.3. Объектнинг кўриқлаш техник воситалари билан таъминлаш “Буюртмачи” томонидан амалга оширилади. Бу воситаларнинг техник хизмати ва жорий таъмирланиши шартнома асосида “Ижрочи” инженер-техник ходимларига алоҳида тўлов оркали амалга оширилади. Объектни кўриқлаш ва ёнгиндан огохлантирувчи мосламалар схемаси Шартномага илова килинади.

2.4. Кўриқлаш тизимида амалда бўлган умумдавлат хужжатлари ва норматив актларига асосланган ҳолда объектнинг техник мустаҳкамлигини кучайтириш, кўриқлаш воситаларига тадбиқ этиш ва жорий этилган кўриқлаш тартибларига амал қилиш юзасидан кўрсатмалар “Буюртмачи” учун мажбурий ҳисобланади.

3-боб. Тўловларни амалга ошириш

3.1. Мазкур Шартнома бўйича кўрсатиладиган хизмат нархи *1 ойда 5 778 591,60 (беш миллион етти юз етмиии саккиз минг беш юз тўқсан бир сўм олтмиши тийинни)* бир йиллик хизмат нархи *69 343 099,20 (олтмиши тўққиз миллион уч юз қирик ўч минг тўқсан тўққиз сўм йигирма тийинни)* ташкил қиласи, ўрнатилган тариф асосида кўриқлаш пост-соат хисоби бўйича Шартноманинг ажралмас қисми ҳисобланган ҳисобсметаси (нарх келишиш баённомаси) да ҳисоблаб кўрсатилади.

Ўзаро тасдикланган смета хисоби ушбу шартноманинг ажралмас қисми ҳисобланади.

Ижрочи хизматлари учун тўловларга конун хужжатларига мувофиқ ҳолларда ўзгартиришлар киритишига ҳақлидир ва Буюртмачи тўловларни Ўзбекистон

Республикаси Молия вазирлиги ва Миллий гврадия Кўмондони томонидан тасдиқланган тарифлари асосида тасдиқланган кундан бошлаб тўловларни амалга ошириши шарт.

3.2. Буюртмачи ҳар ойнинг 25 санасига қадар кўрсатилган хизмат учун тўлов суммасининг 100% микдоридаги пулни Ижрочининг хисоб рақамига ўтказиб беради.

3.3. “Ижрочи” хизмати учун хисоб-китоб қилишига ўз маблаглари бўлмаган холда. “Буюртмачи” белгиланган муддатда юкори орган (ташкилотлар) марказлашган фондидан қўшимча маблаглар хисобига қарздорликни қоплайди.

3.4. “Ижрочи”нинг қўшимча хизматлари учун “Ижрочи” томонидан хисоб ёки билдириш берилганда “Буюртмачи” томонидан 10 кун муддатда пул ўтказиш йўли билан тўланади.

4-боб. Томонларнинг хукуқ ва мажбуриятлари

4.1. Буюртмачининг мажбурияти ва хукуклари:

4.1.1. Объектни ТҚМГа улаш учун кўриқлашга соз ҳолдаги, АТСга уланган телефон тармоғини ажратади.

4.1.2. Кўриқлашга топшириладиган объектни техник мустаҳкамлигини таъминлаш мақсадида текширув далолатномаси юзасидан дераза, форточка, эшик, кулф ва бошқаларни месъерий талаблар асосида жиҳозлайди ва мустаҳкамлайди.

4.1.3. “Ижрочи” вакилларига, ушбу шартнома асосида олган мажбуриятларини бажариш учун эркин кириб чикишига шароит яратади.

4.1.4. Объектни кўриқлашга топшириши ва қабул килиш, калитларни саклаш ва объектни очиб кўздан кечириш учун жавобгар шахсни тайинлади.

4.1.5. Объектни калити ўйқалиши оқибатида уни алмаштирилганда, шунингдек, унинг бутлиги бузилганлиги аниқланганда зудлик билан “Ижрочи”га хабар беради.

4.1.6. Бегона шахсларга кўриқлаш ва сигнализация тизимини ҳамда пульт рақамларини ўзлаштирумаслиги учун уларни ошкор килмайди.

4.1.7. Кўриқлаш сигнализация воситаларидан фойдаланиш қоидаларига катъий риоя қилади. Объектни блокировка схемасига ўзгартиришлар киритмайди, ўз ихтиёри билан сигнализация воситаларини алмаштирумайди. “Ижрочи” юзага келган камчиликлар юзасидан ўз вақтида хабардор қилади.

4.1.8. Объектни кўриқлаш остига топширишдан олдин эшик, дераза, туйнукларни маҳкамланганинг ишонч ҳосил қилади. Уларни доимий равишда соз ҳолда сакланишини таъминлади.

4.1.9. КЁОС воситаларини ишчи ҳолатини текшириш учун кунига бир маротаба “Ташвиш” хабари бериш йўли билан, “Ижрочи”ни телефон орқали хабардор қилган холда текширув ўтказади.

4.1.10. Хисоб-сметаси асосида ўрнатилган тарифда кўриқлаш хизмати учун ҳар ойлик мажбурий тўловни амалга ошириб боради.

4.1.11. Кўриқлашнинг тўлов хисоби ва далолатномаси асосида қўйидаги тўловларни амалга оширади:

- Объектда ўрнатилган объект хисобида бўлмаган ва унинг хатоси билан ишдан чиққан техник воситаларни таъминалаш учун;

- Объектга ўрнатилган кўриқлашга тегишли бўлган техник воситаларни таъминалаш учун;

- Сигнализация воситаларининг 5 (беш) йиллик фойдаланиш муддати ўтиб, мукаммал таъминалаш учун;

- ТҚПни модернизациялаштирилган кўриқлаш системасига ўтказилиши муносабати билан Объект замонавий техника воситалари билан алмаштириш учун;

- “Буюртмачи”айби билан берилган соҳта ташвиш хабар учун (объектни НБП навбатчи бошқарув пульти)ни хабардор этмаган ҳолда кўриқлашдан чикариш, телефон дастагини потўғри ҳолатда кўйиш, мазкур шартноманинг 4.1.8.моддаси талаблари бажарилмагандан) кўриқлаш нариядининг келишига, ҳар бир келиши бир ойлик тўлов хисобидан 15 % микдорида жарима белгиланади.

4.1.12. Сигнализация воситалари учун уланган электр ва телефон тармоқларини ўз вақтида таъминалаш чораларини кўради.

4.1.13. Объектни мазкур Шартномада кўрсатилган тартибда белгиланган давомийликда ва муддатга марказлаштирилган кузатувга топшириди.

4.1.14. Объектнинг техник мустаҳкамлигини ва ҚЁОС воситалари билан жиҳозланисини таъминлайди ва саклайди.

4.1.15. Кўрикланаётган Объект ва унинг периметрини тунги пайтларда керакли ёритиш мосламалари билан жиҳозлаб, ТҚМ нарядларига мумкин даражада кўринишни таъминлайди.

4.1.16. Кўрикландиган Объектни тоифасига қараб, девори, томи ҳамда деразалари ва эшикларини кўрсатилган меъёр даражасида бўлишини таъминлайди.

4.1.17. Кўрикландиган Объектда ўзининг кучи ҳисобидан ёнгин хавфсизлиги тадбирларини ташкил этади ва таъминлайди.

4.1.18. Объект витриналарида кимматбаҳо товар-моддий маҳсулот намуналаридан кўйиш зарур бўлганида, улар ўрнига макетларини кўяди. Витриналарга кўйилган кимматбаҳо товар-моддий бойликларни уларнинг қиймати кўрсатилган ҳолда рўйхатта олиб, моддий жиҳатдан масъул киши томонидан имзоланади ва “Буюртмачи” муҳри билан тасдиқланади.

Мазкур рўйхатнинг бир нусхаси витринада, иккичи нусхаси “Буюртмачи”нинг моддий жиҳатдан масъул шахсида, учинчи нусхаси Ижрочига берилади.

4.1.19. Саклаш даврида пул маблаглари, кимматбаҳо тошлар, олтин, платинадан ишланган маҳсулотлар, тилло, платина, кумуш корпусли соатлар полга маҳкамланган сейфларда сакланади. Пул маблаглари, кимматбаҳо металл ва тошлардан бўлган маҳсулотларни саклашда Ўзбекистон Республикаси Молия Вазирлиги хузуридаги Кимматбаҳо металлар кўмитасининг Давлат палатаси томонидан ва юридик шахсларнинг касса операцияларини юритиш Қоидалари билан белгиланган талаблар лимитидан юкори бўлса, саклашга йўл кўймайди.

4.1.20. Кўрикландиган Объектга ўрнатилган ҚЁОС воситаларига Кўриклаш бўлими ходимларини эркин харакатини таъминлайди.

4.1.21. “Ижрочи” билан биргаликда бир (квартал) чоракда бир марта Объектни техник мустаҳкамлиги, кўриклаш техник воситалари, шу жумладан ҚЁОС воситалари билан жиҳозлансанлигини текшириб, шу ҳақда масъул вакиллар имзоси кўйилган, “Буюртмачи” томонидан мавжуд камчиликларни бартараф қилиб, “Ижрочи”га ахборот бериш учун муддати кўрсатилиб, далолатнома тузилади. Мазкур далолатнома Шартноманинг ажралмас кисми ҳисобланади, унда кўрсатилган вазифалар бажарилади.

4.1.22. Текширув далолатномаси юзасидан Объектнинг техник мустаҳкамлигини ошириш чора-тадбирларини бажаради, Объектни кўрикланишини такомиллаштириш, ички ва кириб-чиқиши тартибини яхшилаш, моддий товар бойликларни сакланиши учун зарурий шарт-шароитлар яратади ва Ижрочига ўзининг вазифаларини ижро этиши учун кўмаклашади.

4.1.23. Объект худудида таъмирлаш ишлари ёки бошка тадбирлар ўтказилиши, кўрикландиган жойлар ва майдонларни ижарага топширилганлиги, эски кўрикландиган жойларни ўзгартириш ёки янгисини вужудга келиши, мазкур Объектни бопкә шахсларга топширилиши муносабати билан пост жойлапувлари ўзгартирилиши, кўшимча постлар ўйилиши, ҚЁОС воситалари билан жиҳозланиси лозим бўлган тақдирда, “Буюртмачи” бу ҳақда “Ижрочи”га 15 кун аввал ёзма равища билдиради.

4.1.24. “Ижрочи” томонидан ваколат берилмаган шахсларга, кўриклаш ва ёнгиндан огоҳлантирувчи техник воситаларини техник кўрикдан ўтказиши ва таъмирлашга рухсат бермайди.

4.1.25. Объектни ТҚМга топширишдан камида 3 (уч) соат олдин ҚЁОТ воситаларини созлигини, топширилишини назорат тариқасида текширади. Носозлик аниқланганда зудлик билан хизмат кўрсатадиган электр таъмирловчини чакиради ва бу борада “Ижрочи”га хабар беради.

4.1.26. Объект, ҚЁОС воситалари билан жиҳозланган ҳар бир алоҳида хоналарни кўриклаш постига, шунингдек ТҚМ кўриғига кунда топшириб боради, эшикларнинг қулғлари, деразаларни, форточкаларни ва люкларни ёилиши, кўриклаш сигнализация воситалари ва туги ёритиш воситаларини ҳолатини текширади, кўрикландиган хоналарда ўчирилмаган электр мосламалар, бошка ёнгинга олиб келувчи мосламаларни ёқилган ҳолда қолиб кетмаслигини ва бегоналар бўлишининг олдини олади. Объектни топширилиши тўғрисида ТҚМга 5 (беш) дақиқадан кейин хабар тушгандан сўнг объект кўриклашга олинганлиги тўғрисида ишонч ҳосил қилинади.

4.1.27. Объектга бегона шахслар томонидан объект ёки алоҳида хоналарга кириш оқибатида унинг бутлигига таҳдид қилинганини ва содир этилган моддий зарар тўғрисида “Ижрочи”га хабар бериб, “Ижрочи” вакиллари келгунга қадар воқеа жойини дахлизлигини таъминлайди.

4.1.28. “Ижрочи” томонидан белгиланган мажбуриятлар тўлиқ бажарилмаганлиги натижасида етказилган зарар микдорини аниклади ва моддий товар бойликларни ҳисобини олиб бориш учун Кўриқлаш бўлими ходими иштирокида моддий товар бойликларни қолдиги ҳисобланади, шунингдек, “Ижрочи”га барча ҳужжат ва маълумотлари тақдим этади.

4.2. Ижрочининг хуқуқ ва мажбуриятлари:

4.2.1. ТКМ кўригига тошириладиган объектнинг техник мустаҳкамлиги текширилиб, унинг КҶОС воситалари билан жиҳозланиши лозим бўлган жойларга караб далолатнома тузади.

4.2.2. Объектда КҶОС воситаларини мажбурий жиҳозланиш жойларини белгилайди.

4.2.3. Объектта КҶОС воситаларини жиҳозланишини тавсия этади, Объектнинг заиф жойларини КҶОС воситалари билан жиҳозланиши Объект томонидан бажарилмаган тақдирда, Шартноманинг ажралмас қисми ҳисобланган иловада белгилаб кўйилади.

4.2.4. Объектни техник мустаҳкамлиги далолатномасига асосан Объект ҳисобидан КҶОС воситалари билан жиҳозлайди ва телефон алоқаси орқали пульта уланади, пульта маълумотномаларини тақдим этади.

4.2.5. Объектдаги КҶОС воситаларини ҳар 5 (беш) йилда тўлиқ мукаммал таъмирлайди.

4.2.6. Объект билан келишилган ҳолда объектига кўшимча КҶОС воситаларини ўрнатиладиган тақдирда, томонлар ушбу Шартномага қўшимча келишув тузадилар ва Объект ушбу бажариладиган ишлар ҳақини ўрнатилган тартибда аввалдан пул тўловини тўлагандан кейин амалга оширади.

4.2.7. Ўрнатилган тартибда объектига кўриқлашга олишда сигнализация воситалари ёрдамида ТКМга уланини ҳамда ўз вақтида кўриқлаш нарядини ташвиш ҳабари бўйича етиб боришни таъминлайди.

4.2.8. Объект кўриқлашда бўлган вақтда объектига рухсатсиз кирган шахсни қўлга олип чорасини кўради.

4.2.9. Хўжалик идораси ходимларига КҶОС воситаларини ишлатилишини ўргатиб, бу борада йўрикномалар беради.

4.2.10. Ҳар бир тушган соҳта ташвиш ҳабари бўйича далолатнома тузилиб, Объект очилиб кўриқдан ўтказилиб, тузилган далолатноманинг бир нусхаси Буюртмачига берилади.

4.2.11. Сигнализация воситаларини 5 (беш) йил ишлатилгандан кейин мукаммал таъмирланишини амалга оширади.

4.2.12. Хизмат ҳақи тарифи ўзгарган ҳолда “Буюртмачи”ни хабардор қиласди.

4.2.13. Мазкур Шартномани тўхтатиш ёки бир томонлама бекор қилиниши куйидаги ҳолларда амалга оширилади:

а) “Буюртмачи” 2 (икки) ойдан ошиқ кўриқлаш хизмати учун тўловларни тўламаганда;

б) “Ижрочи” томонидан техник сабабларга кўра ўз мажбуриятларини бажара олмасликлари туфайли (телефон раками ўзгарганда, телефон ўчирилганда, ТКМ тутатилганда);

в) “Буюртмачи”ни номи ўзгариб, “Ижрочи”ни бундан хабардор килмаганда;

г) Мазкур Шартноманинг 4.1.2., 4.1.3., 4.1.5., 4.1.7., 4.1.8., 4.1.16. бандлари бузилганда.

4.2.14. Телефон ўчирилганда ёки носоз бўлган ҳолда, электр манбаи ўчирилганда ТКМ жойи ўзгарганда Объект кўриқлашга қабул қилинмайди ва бу ҳақда “Буюртмачи”ни ёзма ёки телефон орқали хабардор этади.

5-боб. Томонларнинг жавобгарлиги

5.1. Буюртмачининг жавобгарлиги :

5.1.1. Мазкур Шартноманинг 3.1-бандида кўрсатилган сумманинг Буюртмачи томонидан ўз вақтида тўлмаганлиги учун Буюртмачи Ижрочига ўтказиб юборилган ҳар бир кун учун кечикирилган тўлов суммасининг 0,4 фоизи микдорида, аммо кечикирилган тўлов суммасининг 50 фоизидан ортиқ бўлмаган микдорда пеня тўлайди.

5.1.2. Объектни кўриқлаш даврида:

мазкур Шартноманинг 4.1.2., 4.1.5., 4.1.6., 4.1.7., 4.1.8., 4.1.12., 4.1.14., 4.1.15., 4.1.16., 4.1.19., 4.1.20., 4.1.23., 4.1.24., 4.1.25., 4.1.26., 4.1.27. бандларида кўрсатилган талаблар “Буюртмачи” томонидан бажарилмаганлиги оқибатида жавобгарликни ўз зиммасига олади.

5.2 Ижрочининг жавобгарлиги

5.2.1. Ижрочи мазкур Шартнома кўрсатилган мажбуриятларини лозим даражада бажармаганлиги натижасида Буюртмачига етказилган заарар учун моддий жавобгар бўлади.

Ижрочининг айби билан заарар етказилганлиги аникландган холларда заарар тўлиқ микдорда кошланади.

Ижрочининг айби билан етказилган заарарнинг микдорини аниклари учун томонлар вакилларидан иборат комиссия тузилиши мумкин. Бунда, заарар микдори тегишли хужжатлар билан расмийлаштирилиб, комиссия аъзолари томонидан тасдиқланади. Низо мавжуд бўлган тақдирда заарар микдори суднинг карори билан аникланди.

5.2.3. Куйидаги ҳолатларда келтирилган моддий-заарарлар учун “Ижрочи” жавобгар хисобланмайди:

Пул маблағлар “Буюртмачи”нинг обьектда қолдиришга ҳаққи бўлмаган ҳолатда, белгилангандан ортиқ микдорда қолдирилса, шунингдек пул маблағлари сейф ёки полга маъжкамланган металл шкаф (кути) ларда сакланмаган бўлса, ўғирланса ёки талончилик қилинса;

Фукароларнинг шахсий мулклари ўғирлансан;

Бино ёпилиши ёки кўриклиш учун қабул килинишидан олдин кириб олган шахс томонидан ўғирлик ёки талончилик содир этилса;

Товар-моддий бойликларнинг ўғирланиши ёки талончилик қилинишида;

Бу бошка мулқорники бўллиб, у кўриклишдан хонани ижарага олиб қўриклиш учун мустакил шартнома тузилмаган бўлса;

Агар “Буюртмачи” томонидан қўриклиш сигнализацияси ёқилмагани сабаб бўлса, обьектини қўриклишга топширмаган ёки қўриклиш воситаларининг носозлиги ҳакида маълум килмаган бўлса, шунингдек бошқа техник сабабларга кўра қўриклиш олиб борилмаган бўлса;

Шартноманинг 4.1.20. банди талаблари бузилса, жихозланган витриналардан ўғирланса ёки талончилик қилинса.

“Буюртмачи” томонидан қўрсатилган муддатларда Объектни техник мустаҳкамлигидаги талабларни ва мазкур Шартноманинг 4.1.5., 4.1.6., 4.1.8., 4.1.16., 4.1.24., 4.1.25., бандлари бажарилмаганлиги оқибатида ўғирлик содир этилса.

6-боб. Низоларни ҳал қилиш тартиби

6.1. Мазкур шартномани тузиш, бажариш, ўзгартариш ва бекор килиш вақтида тарафларни ўртасида келиб чиқадиган низолар, шунингдек етказилган заарни қоплаш тўғрисидаги низолар конун хужжатлари белгиланган тартибда иктисадий суд томонидан кўриб чиқилиди.

7-боб. Форс-можор

7.1. Томонлар ушбу Шартнома бўйича мажбуриятлар кисман ёки тўлиқ бажарилмаганлиги учун, агар ушбу бажармаслик Шартнома тузилгандан кейин пайдо бўлган, енди бўлмайдиган куч, яъни фавқулодда ва муайян шароитларда олдин олиб бўлмайдиган вазиятлар (форс-можор) оқибатида ўғирлансан, жавобгарликдан озод қилинади.

7.2. Енгиб бўлмайдиган уч ҳолатига ҳавола килувчи Томон бошқа Томонни бундай ҳолатлар бошланганлиги ва тамом бўлганини тўғрисида иккى кун ичida ёзма шаклда хабардор килиши шарт. Ушбу муддат ичida хабар бермаган Томон мазкур Шартнома бўйича ўз мажбуриятларини бажармаганлиги учун жавобгарликдан озод қилиш асоси сифатида кўрсатишга ҳақли эмас.

7.3. Форс-можор ҳолатларига сув тошкунлари, ер кимирлаши ва бошқа табиий ҳалокатлар, шунингдек эпидемиялар, ёнгинилар, портлашлар, давлат ҳокимияти бошқаруви органларининг мазкур Шартнома изжросига бевосита таъсир кўрсатган қарорлари киради.

7.4. Мазкур Шартнома бўйича мажбуриятларни бажариш муддати енгиб бўлмас куч ҳолатлари амал қилган даврга мутаносиб равишда кечиктирилади. Агарда форс-можор уч ой давом этса Томонлар мазкур Шартномама бир томонлама бекор килишга ҳақли.

8-боб. Якуний қондалар

8.1. Мазкур Шартнома имзоланган кундан бошлаб кучга киради.

8.2. Мазкур Шартнома бюджет ташкилотлари ёки бюджет маблағлари олувчилири билан тузилганда газначилик бўлинмаларида рўйхатдан ўтказилгандан сўнг кучга киради.

8.3. Мазкур Шартномага ҳар қандай ўзгартариш ва кўшимчалар ёзма шаклда тузилганда ҳамда Буюртмачи ва Ижрочининг вакиллари томонидан имзоланган тақдирда ҳақиқийдир.

8.4. Томонлар мазкур Шартномани ўзгаририш ёки бекор қилиш хақидағы тақлиға иккінчі тарафдан рад жавоби олинганидан кейингина ёки ўттис күнлик муддатда жағоб олмагандан кейин, шартномани ўзгаририш ёки бекор қилиш тұғрисидегі талабни судда тақдим этиши мүмкін.

8.5. Шартноманинг амал қилиш муддати күйидагича белгиланади:

хұжалик юритувчи субъектлар бўйича-Томонлар тарафидан имзоланган кундан бошлаб Томонлар ўз мажбуриятларини тўлиғ бажаргунига қадар;

бюджет ташкилотлари ва бюджет маблағлари олувчилари бўйича-белгиланган тартибида газначилик бўлинмаларида рўйхатдан ўтказилган кундан бошлаб йилнинг 31 декабрь куни охиригача.

Буюртмачи хўжалик юритувчи субъект бўлган тақдирда Буюртмачи мазкур Шартномани, бекор қилиш хақида Ижрочига Шартнома муддати тугашидан 60 кун олдин маълум қилмаса, мазкур Шартноманинг амал қилиш муддати худди шу муддатта ва худди шу шартларга узайтирган ҳисобланади.

8.6. Агар техник кўриклиш воситалари Буюртмачининг айби билан ишдан чиқкан, капитал ёки жорий таъмирларни талаб қиласа, бирок Буюртмачи буни рад этса, Ижрочи Буюртмачига етти кун олдин ёзма маълум қилган ҳолда алоҳида обьектларни кўриклишни рад этиши мүмкін.

8.7. Буюртмачи кетма-кет уч ой давомида мазкур Шартноманинг 3.1-бандида кўрсатилган тўловни белгиланганды муддатда тўламаса, Ижрочи томонидан белгиланган муддатларда янгитдан тасдиқланган тарифлар асосида тақдим этилган смета хисобларини тасдиқлашдан бош тортса, Ижрочи мазкур шартномани Буюртмачини ёзма равишда огоҳлантирган ҳолда бир томонлами бекор қилишга хақли.

8.8. Ижрочи кетма-кет уч марта пост ва патрул йўналишларida кўриклиш тартибини бузса, Буюртмачи мазкур Шартномани Ижрочини ёзма равишда огоҳлантирган ҳолда бир томонлами бекор қилишга хақли.

8.9. Томонлар мазкур Шартномани муддатидан олдин бекор қилиш тұғрисида 60 кун олдин ёзма равишда маълум қилади.

8.10. Объектнинг хусусиятидан келиб чиқиб Томонлар мазкур Шартномага конун хужжатларига мувоғик ҳуқук ва мажбуриятларини назарда тутувчи кўшимча бандлар киритишлари мүмкін.

9-боб. Томонларнинг юридик манзиллари ва реквизитлари “БУЮРТМАЧИ”

Ўзбекистон Республикаси Миллий
гвардияси Фарғона вилояти Кўриклиш
бошқармаси
Юридик манзили: Фарғона шаҳар
Оксус кўчаси 4-үй
Банк реквизитлари:
21596000900210137001
МФО-000026
СТИР: 200146674
ИФУТ: 80200
Марказий банк Фарғона шаҳар

REPUBLICA IATQASLASH TURDAGI O'ZBEKISTON VA RADILOGIYA UZMAYTARALYI 1-2014 MƏRKAZI FARG'ONA VILYOYATI FUTLARI
ЮРИДИК МАНЗИЛЛАРИ УЗМОТОРИ 005
INN: 203 148 954 ОКНОН: 91513 Molla Yerzaliyev 100/1000 10000 1010 ХА: 240 2000 3001 0000 1010 Марказий банк Фарғона шаҳар МФО: 000014 СТИР: 201122019



Б.И.Мирзакамалов

Q'ZBEKISTON RESPUBLIKASI MILLIY QVARDIYASI FARG'ONA VILYOYATI QO'RIOLAGH BOSSHQARMASI YURIDIK HUQUQOV EXPERTIZADAN O'TKIZILDI
2014-07-10
1951 RAQAMI BILAN
QAYD ETILDI IMZO

Фарғона вилояти РИО ВА РИАТМ ФВФ
директори



Б.К.Примкулов

Фарғона вилояти Кўриксаш бошқармаси кўриксловига олинган
Фарғона вилоят РИО ВАРИАМ ФВФ ништ

" " 2022 йи

СМЕТА ХАРАЖАТЛАРИ ХИСОБИ

№	Кўрикслангаётган объектларнинг номи	Объектнинг манзили	Кўриксаш вакти (сояти)			Дам олиш ва байрам олди куни куннари сояти	Уртача бир ойлик кўриксаш сояти	Объектнинг кўрикслов сўммаси
			Кўриксаш турк	Иш куни	Дам олиш			
1	2	3	4	6	7	8	9	10
Психотроп модаладар сакланши хонаси	Фарғона шахар Гулистон кўчаси 11 уй	ТКП	15	15	24	511	6 256	3196816
назорат ўтказиш пункти		Ташвиш тумса	11	11	0	282,7	3128	884285,6
радиология бўйичми		ТКП	8	8	8	243	6 256	1520208
шартли белти жами					2954776	29547	177282,00	5778591,60

Рахбари:

Б. Мирзакамолов

Фарғона вилояти
Кўриксаш бошқармаси бошлиғи
подполковник
Б.Мирзакамолов

Фарғона вилояти Кўриксаш бошқармаси
МИБ бошлиғи
кагта лейтенант
Ф.Ишанкулов

" " 2022 йил

2022 йил